ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 147 (6008).

29 ИЮЛЬ ЖУМА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИДА БАЙРАМ

ТОШКЕНТ трактор заводининг коллективи 27 июль куни қувончли воқеани нишонлади: йиғув конвейеридан саксон от кучига эга бўлган «МТЗ-80Х» маркали биринчи трактор чиқди. Бу трактор «Ташсельмаш» заводининг машинасозларига топширилди.

Янги кучли машина бир қанча қулайликларга эга: унга герметизация қилинган кабина ўрнатилган, иситиш-вентиляция системаси жиҳозланган. Бу эса ёнилғини тежаш, механизаторларнинг иш шароитини анча яхшилаш имконини беради.

Корхонада тантанали митинг бўлиб ўтди. «Ташсельмаш» заводининг, район партия ташкилотининг вакиллари завод коллективини меҳнатда эришилган шонли ғалаба билан самимий қутлаб, пахтачиликни механизациялаш, мукаммал машиналар яратиш соҳасида унга янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

Митингда ишлаб чиқариш илғорлари сўзга чиқиб, корхона коллективи бу йил 1750 та янги модификацияли машина ишлаб чиқаришга, «ТЗ» маркали 24.750 та трактор тайёрлашни кўзда тутган йиллик планни муддатидан илгари бажаришга интилаётганлиги ҳақида гапирдилар. (ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

КПСС XXV съезднинг тарихий қарорларидан илҳомланган Ўзбекистон енгил саноати корхоналарининг коллективлари Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, маҳсулотни реализация қилиш юзасидан беш йилликнинг иккинчи йили етти ойлик планини муддатидан аввал, 27 июль куни бажардилар. Ой охиригача қўшимча равишда 20 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилиш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

28 июль куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VI пленуми бўлди. Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВнинг КПСС XXV съезди қарорлари асосида партияга қабул қилиш ва ёш коммунистларни тарбиялаш ишини янада яхшилаш соҳасида республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

Ана шу масалани муҳокама қилишда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. КАМОЛОВ, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. ХЎЖАЕВ, Намангандаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» шойи газламалар комбинати партия комитетининг секретари К. З. ДАВЛИЧАРОВА, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. РАҲИМОВ, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. ҲАЙДУРОВ, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. ҒОИБОВ, Термиз район партия комитетининг биринчи секретари Ж. ЧОРИЕВ, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. ОКУНСКИЙ, Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз партия комитетининг секретари Р. МОМОНОВ, Қува район партия комитетининг биринчи секретари М. ШЕРБУТАЕВ, Навоий шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. П. ШЕНДРИК, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. ҒАФУРЖОНОВ, Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат эритувчиси М. ЁДГОРОВ, Қўқон пайпоқ-йигирув комбинати партия комитетининг секретари А. Ф. ЕПИФАНОВА, Навоий номли Самарқанд Давлат университети партия комитетининг секретари Н. ШУҚУРОВ қатнашдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари В. И. БРОВИКОВ нутқ сўзлади. Пленумда ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ якунловчи нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ишида шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, ишлаб чиқариш бирлашмалари, йирик корхоналар, қурилишлар, транспорт, алоқа корхоналари, бир қанча колхоз ва совхозлар, ўқув юртлари, фан ва маданият муассасалари партия ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

ОҚОЛТИНЛИКЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

ОҚОЛТИН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПАХТА, МАККАЖЎХОРИ ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ ҚИСҚА МУДДАТДА ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ ВА ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Оқолтин районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Мирзачўлнинг қўриқ ер шароитларида комплекс механизацияни кенг қўлланиш туфайли пахта ва қишлоқ хўжалик экинларидан йил сайин юқори ҳосил олишга эришаётганликларини таъкидлайди. Район совхозлари рентабел ишламоқда. 1976 йилда 8 миллион сўмдан ортиқ фойда кўрилди.

Улар партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 1977 йилда юксак социалистик мажбуриятлар олишди. Бу йилги қийин шароитларда мўл ҳосил етиштирилди. Район давлатга икки йиллик план ҳажмида дон топшириб, ем-хашак тайёрлаш планларини муваффақиятли ошириб бажармоқда, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш мўлжалдагидан олдинда бормоқда. Маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирилди. Район хўжаликлари гектар бошига ҳосилдорликни 30 центнерга етказиб, давлатга 71 минг тонна пахта топшириш учун курашмоқдалар.

Оқолтин районининг эришган муваффақиятлари КПСС XXV съезди қарорларини рўёбга чиқаришнинг амалий натижаси бўлиб, қўриқ ерда пахта етиштиришнинг юксак самарадорлигини, қишлоқ хўжалигида техника тараққиётининг буюк кучини кўрсатади.

Оқолтин районининг меҳнат аҳли ўрмм-йиғим ишларини ташкил этиш соҳасида Ипатово районидан республикада биринчи бўлиб ибрат олди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Ипатово районининг тажрибасига юксак баҳо берди.

Оқолтин район партия комитети ипатоволикларнинг тажрибасини таҳлил қилиб, пахта, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини йиғиштириб олиш юзасидан тадбирлар ва комплекс план ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Оқолтин район партия комитетининг пахта, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини Ставрополь ўлкасидаги Ипатово районининг тажрибаси асосида қисқа муддатда йиғиштириб олиш соҳасидаги тадбирларни ва комплекс планини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига оқолтинликларнинг тадбирларини ҳар бир район, колхоз, совхозда кенг муҳокама қилишни ва шу асосда пахта, маккажўхори, шоли ва бошқа экинларни ҳар бир хўжаликда йиғиштириб олиш комплекс планларини ишлаб чиқишни топширди.

Комплекс планларда экинларни парваришлаш қилишни кучайтириш, ҳосил тўплаш юзасидан зарур ишларни бажариш, ҳосилни йиғиштириб олишга далаларни намунали тайёрлашни таъминлаш, бутун ўрим-йиғим техникаси ва транспорт воситалари ремонтини тезроқ тамомлаш кўзда тутилсин.


Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Тайёрлаш министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой»га, «Узсельхозтехника» ва «Узплодоовощвинпром» бирлашмаларига, уларнинг жойлардаги органларига ҳосилни йиғиштириб олиш ва маҳсулот тайёрлаш планларини ишлаб чиқишда, техникани ремонт қилишда, кадрларни тайёрлаш ва танлашда, ҳосилни йиғиштириб оладиган агрегатларнинг икки сменада ишлаши учун механизаторлар билан комплектлашда районларга, колхозлар ва совхозларга имкони борича кўпроқ ёрдам бериш таклиф қилинди.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига социалистик мусобақани ривожлантиришда, оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда ҳосилни йиғиштириб оладиган ва ташвиқотчи отрядларга ташкилий ёрдамни ҳар тарафлама кучайтириш топширилди.

Республика, область ва район газета редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига Оқолтин районининг ҳосилни Ипатово райони методи асосида йиғиштириб олиш соҳасидаги тажрибасини ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган мажбуриятларни бажариш учун социалистик мусобақанинг боришини газета саҳифаларида, радио ва телевидение орқали мунтазам равишда ёритиш таклиф қилинди.

[Оқолтин район партия комитетининг шу масала юзасидан белгилаган тадбирлари газетамизнинг 3-бетида эълон қилинмоқда].





БЕКОБОД районидаги А. Мавлонов номли совхозда Маҳкамбой Алимов кўп йиллардан бери механизаторлик қилиб келади. Бу пешқадам ишчи айни кунларда ҳосилга ҳосил қўшиш учун фидокорона меҳнат қиляпти.

Суратларда: совхоз пахта майдонида. Моҳир механизатор М. Алимов.

М. Қорабеков фотоси.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИНИНГ БИРИНЧИ ПОЕЗДИ

28 ИЮЛЬ куни Тошкент метроси линиясининг Собир Раҳимов номли станцияси билан «Чилонзор» станцияси ўртасидаги тайёр участкасидан синов пассажир поезди биринчи бор ўтди. Ер ости электр поезди узунлиги 2105 метрга борадиган перегондан юриб ўтди.

Ҳозир синовга тайёрланган участка — эталон участка ҳисобланади, яъни метрополитеннинг бутун эксплуатация хўжалиги шу ерда ишлатиб кўрилади. Курувчилар мана шу «полигон»даги иш натижаларига қараб биринчи навбатнинг кейинги перегон ва станцияларни сифатини таққослайдилар. Метрополитеннинг биринчи навбати метро-курувчиларнинг социалистик мажбуриятларига биноан Октябрнинг 60 йиллигигача ишга тушиши керак.

...Машинист Леонид Бутвиченко ва унинг ёрдамчиси Ҳусан Шукуров поездни деподан Собир Раҳимов номли станцияга келтирадилар. Поезд жўнашига сигнал берилди. Учта зангори вагон оҳиста жилиб йўлга тушди.

Бир неча дақиқа ўтгач, поезд «Чилонзор» станцияси ёнига келиб тўхтайди. Синов рейси муваффақиятли ўтди. «Ташметрострой»нинг биринчи бошқармаси билан Москва ва Тошкентнинг эталон участкадаги ишларни бажарган ёрдамчи пудратчи ташкилотларининг курувчилари астойдил меҳнат қилишди.

А. КУЗМИЦКИЙ, [ЎзТАГ мухбири]

МУСОБАКАДОШ ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ

Илгари хабар берилганидек, 25 июлда Тошкентга юбилей йили учун олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини текшириш учун Озарбайжон ССР вакиллари келган эдилар. Қардош республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари делегацияси аъзолари Тошкент областининг 8 райони ва 42 хўжалигида бўлиб, деҳқонларнинг ишлари ва турмушлари билан танишдилар.

Кеча бўлиб ўтган Тошкент область партия комитети кенгайтирилган бюро йиғилишида мусобақадош дўстлар томонидан ўтказилган текшириш якунлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент областига келган ўзаро текшириш группасининг раҳбари, Мир-Бошир район партия комитетининг иккинчи секретари М. А. Рафиев текшириш якунлари ҳақида муфассал гапириб берди. У тошкентлик пахтакорлар, ғаллакорлар, сабзаворкорлар, чорвадорларнинг Улуғ Октябрь 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган мусобақада эришган ютуқларини қайд қилди. Шу билан бирга ўртоқ Рустамов айрим хўжаликларда дала ишларида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Бюро йиғилишида Тошкент область партия комитетининг секретари А. И. Икромов сўзга чиқди.

Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский қимматли маслаҳатлар ва таклифлар учун мусобақадош дўстларга самимий миннатдорчилик билдирди ва Тошкент области қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини, СССРнинг янги Конституциясини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб оладилар, деб Озарбайжон вакилларини ишонтирди.

ДЕПУТАТ БОШЛИҚ БРИГАДАДА

Тонг отиб, қуёш заррин нурларини пахтазорга соча бошлаганда эгатларда жимир-жимир сув оқиб ётарди.

Кенг карталарни кўздан кечирар экан, Ҳотам ака-нинг кўнглидан: «эап азамат деҳқонларимиз бор-да. Ғўзанинг ҳосилига кундан-кунга ҳосил қўшилишининг сабаби ҳам уларнинг меҳнати туфайли» деган гап кечди.

У деҳқон фарзанди. Пахтазор севимли маскани, ҳамма қувонч-ташвишлари ҳам, эришган ютуғи ҳам шу дала билан боғлиқ. Шу ерда тер тўкиб, область Советининг депутати бўлди. Кўксини эса ҳалол меҳнатлари эвазига олган қатор орден ва медаллар безади...

Эрталабки нонуштани дала шийпонида қилаётган сувчилар бригадирини кўриб, ўринларидан туришди. Ҳотам ака улар билан саломлашиб, бир пиёла чой ичида, ғўзага ишлов бераётган механизатор Гулом Бегмоновнинг олдига қараб кетди. Унинг агрегати аллақачон пахтазор оралаб шўнғиб кетган, моторнинг бир маромда гуруллаши дала уйғонганлигидан дарак берарди. Ҳотам ака карталарни айланиб, иш сифати билан танишиб вақт пешиндан оққанини ҳам сезмай қолди.

Бригада аъзолари салқин ва озода дала шийпонида тушлик қилишмоқда. Ҳотам ака эса қишлоқ оралаб бошқа карталарни ҳам кўздан кечириш учун йўл олди. Димоғига иссиқ нонниг ҳиди урилди, нақадар ёқимли, бирров уйига ҳам кириб ўтмоқчи бўлди, аммо кечагина четдаги картани ёввойи ўт босганини эслади-да, қадамини тезлатди. Тезроқ чора-тадбирини кўрмаса бўлмайди...

Ҳотам Шодиев етакчилик қилаётган бригада аъзоларининг бу йилги режалари катта. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллиги нишонланадиган ва янги Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилган йилда улар 233 гектар ерда муваффақиятли деҳончилик қилишяпти. 50 центнердан «оқ олтин» олиб, яппи ҳосилдорликни 862 тоннага етказиш — бригада аъзоларининг азму-мақсади. Ғўзанинг асосий қисми машинада терилиб, ҳосилнинг 86 процентини машиналар ёрдамида териб олиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун эса зарур бўлган барча чора ва тадбирлар ишга солинаётир.

— Ҳозиргача баравж ғўзаларга бешинчи ишлов берилиб, учинчи марта шарбат сувига қондирилди, — дейди депутат. — Т. Раҳматуллаев, Ж. Соипов, С. Турдибоев каби миришкорларимиз ғўзанинг сувга бўлган талабини обн-тобида қондирмоқдалар. Ғўза чекаснасини колхозда биринчи бўлиб бошлаб юбордик. Ҳозиргача 30 гектардан зиёд майдон сифатли чеканкадан чиқарилди.

«Яхши дам, меҳнатга ҳамдам», — дейди халқимиз. Ҳалол ва самарали меҳнатдан сўнг колхозчиларнинг мириқиб дам олишлари учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий дала шийпони бригада аъзоларининг хизматида.

Мана депутат дала кезмоқда... Унинг нигоҳи далаларда, кенг пахтазорда. Ҳосил чўғи чакки эмас. Демак олинган мажбуриятнинг шараф билан бажарилишига шубҳа йўқ...

А. ТУРДИБОЕВА, Ўрта Чирчиқ райони Акмал Икромов номли колхоз.

ИККИ ЙИЛЛИК СУТ ПЛАНИНИ БАЖАРАМИЗ

СОВХОЗИМИЗ ишлаб чиқаришда чорвачилик етакчи ўринни эгаллайди. Шу билан бирга бизда кейинги йилларда сабзаворчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам ривожланиб бормоқда. Юбилей йилида янги марраларни кўзлаб иш олиб бораётган ишчиларимиз дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар. Ғап бу ерда чорвадорларимиз эришаётган муваффақиятлар ҳақида бормоқда. Давлатга гўшт топшириш юзасидан белгиланган йиллик план ортиғи билан адо этилди. Сигирлардан мўлжалдагидан анча кўп соғлом бузоқ олиниб, яхши парвариш қилинмоқда.

Хўжалигимизда қурилаётган чорвачилик комплексининг бир қисми ишга туширилган. Бу маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришга ёрдам бермоқда. Айниқса, соғин сигирларнинг маҳсулдорлиги ортиб бораётир. Олти ой давомида 1 минг тоннадан ортиқ сут соғиб олиниб давлатга топширилди ва йиллик план ортиғи билан бажарилди. Сут соғувчиларимиз, молбоқарлар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, янада астойдил енг шимардилар. Улар барча куч ва имкониятларини ҳисобга олиб, йил охиригача яна бир минг тонна сут топширишга аҳд қилдилар. Ана шунда биз бир йилда икки йиллик сут планини бажаришга муваффақ бўламиз.

Сутчилик фермасидаги ҳамма ишлар ана шу юксак мажбуриятни бажаришга бўйсундирилган. Сут соғувчиларимиз илғор тажрибаларни қўллаб, вақтдан унумли фойдаланиб, кундалик топшириқни ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Сигирлар белгиланган қатъий рацион асосида боқилмоқда. Шу кунларда ҳар бир сигирдан ўртача 12—14 килограммдан сут соғиб олинаётир.

Ферма сут соғувчиларининг аксарияти ёшлардан иборат. Улар ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилмоқдалар. Машҳур сут соғувчи Анастасия Чудиянинг тажриба мактабидан сабоқ олиб қайтган қизлар машиналар ёрдамида сут соғишни такомиллаштириб бормоқдалар. Механизмларнинг пухта ишлаши, тоза ва озода бўлишига эришилмоқда. Чудиная издошлари сафи кенгаяётир. Опа-сингил Раҳматовалар, айниқса, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Булар Вазира, Малоҳат, Марҳамат сингари чаққон сут соғувчилар. Ҳар уч опа-сингил бир-бири билан мусобақадош. Уларнинг ҳар бирига 50 бошдан сигир бириктирилган. Раҳматовалар кунига 1800 килограммга етказиб сут топширмоқдалар.

Бизда бажарилган ишнинг салмоғи ва сифатига қараб ҳақ тўлаш жорий этилган. Мусобақа ғолиблари ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилади. Шунинг учун уларнинг касбга бўлган меҳри ортиб бормоқда. Бу ўринда яна Раҳматовалар ҳақида илиқ сўзларни айтиш келади. Улар ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётганликлари туфайли ўзини даромад қилмоқдалар. Масалан, Вазира бир ойлик маҳсулоти эвазига 224 сўм, Малоҳат 223 сўм, Марҳамат эса 203 сўм ҳақ олди.

Т. ЭРНАЗАРОВ, Чиноз районидаги «Партия XXV съезди» совхозининг директори.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

СОВЕТ ЖАМИЯТИ РИВОЖИНИНГ СОЦИАЛ МАСАЛАЛАРИ

Л. А. КОСТИН,

СССР Министрлар Совети меҳнат ва социал масалалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари

СССР янги Конституциясининг лойиҳаси совет халқи эришган тарихий социал-иқтисодий ютуқларни акс эттиради. Конституцияда мамлакатда ривожланган социалистик жамият қурилганлиги мустаҳкамлаб берилган. Бу жамиятда халқ фаровонлиги доимо ошиб бормоқда. Шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун тобора қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Лойиҳа жамиятимизнинг социал қиёфаси тубдан ўзгарганлигига асосланади. Ҳозир амалда бўлган Конституция қабул қилинган 1936 йилда мамлакат аҳолиси составида ишчилар ва хизматчилар 45,7 процентни, колхозчилар ва кооперациялашган ҳунармандлар 48,8 процентни, яккахол деҳқонлар ва кооперациялашмаган ҳунармандлар 5,5 процентни ташкил этган эди. 1976 йилда аҳолининг 83,6 процентини ишчилар билан хизматчилар ва 16,4 процентини колхозчи деҳқонлар ташкил этди. Ишчилар синфи энди ликда мамлакат аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил этади.

Совет жамияти ривожининг социал масалалари янги Конституция лойиҳасининг энг муҳим таркибий қисмидир. Бу масалалар комплекс равишда кенг ифодаланган бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқариш ва совет давлатининг олий мақсади ҳамда бош вазифаларини гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, социал сиёсат, инсон фаолиятининг турли соҳаларини — меҳнат ва унга тўланадиган ҳақни турмушни, халқ фаровонлиги даражасини ҳамда совет кишиларининг ҳаёт тарзи тушунчаларини ўз ичига олади.

Совет давлатининг олий мақсади синфсиз коммунистик жамият қуришдан иборат эканлиги, социализм шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсади эса, кишиларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини энг кўп даражада қондиришдан иборат эканлиги Конституцияда биринчи марта таъкидланади. «Ҳар бир кишининг бахт-саодати тўғрисида ҳамманинг ғамхўрлик қилиши ва ҳамманинг бахт-саодати тўғрисида ҳар бир кишининг ғамхўрлик қилиши» совет жамияти ҳаётининг қонуни қилиб олинган. Мазкур қоидаларнинг Конституцияда мустаҳкамланганлиги совет жамиятининг бундан буёнги ривожланиши учун жуда катта социал-сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эгадир.

Конституция лойиҳаси ҳар бир совет кишиси ҳаётига гоят алоқадор бўлган социал-иқтисодий ҳуқуқлар кенг комплексини ўз ичига олади. Булар меҳнат қилиш, дам олиш, соғлиқни сақлаш, социал таъминот, билим олиш маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи, совет кишиларининг снёсий ҳуқуқлари ва эркинликларидан иборат. Шу билан бирга гражданлар ҳуқуқларининг мазмуни янада чуқурроқ, бу ҳуқуқлар берадиган моддий гарантиялар эса янада тўлароқ, салмоқлироқ бўлиб қолди. Масалан ҳозирги Конституцияда баён қилинган меҳнат қилиш ҳуқуқи қизиқиши, қобилияти, профессионал тайёргарлиги, билимига мувофиқ ҳамда ижтимоий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб танлаш, машғулот ва иш турини танлаш ҳуқуқи билан тўлдирилди. Булар совет кишиларида мамлакатимизда меҳнаткаш инсон ҳамиша ўзининг куч-қуввати ва қобилиятини ишга солиши учун имкониятга эга эканлигига янада кўпроқ ишонч бағишлайди.

Социал таъминот ва билим олиш соҳасидаги ҳуқуқлар анча кенгайтирилди. Агар 1936 йилда Конституцияда касал бўлиб қолган ва меҳнат қобилиятини йўқотган пайтда моддий таъминланиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб берилган бўлса энди ликда масала кенгроқ равишда қўйилмоқда — бу ҳуқуқ қариганда, инвалид бўлиб қолганида ва боқувчисиз қолган ҳолларда пенсиялар олиш, вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганида нафақалар олиш, меҳнат қилиш қобилиятини қисман йўқотган гражданларни иш билан таъминлаш, ёлғиз қолган қариялар ва инвалидлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан гарантияланади. Билим олиш ҳуқуқини умумий тарзда эълон қилган эски Конституциядан фарқли равишда янги асосий қонун лойиҳасида гап умумий мажбурий ўрта таълим тўғрисида, ҳунар-техника таълими ҳамда олий таълимни кенг ривожлантириш тўғрисида боради.

Конституция лойиҳасида совет гражданларининг шундай ҳуқуқи тўғрисида ҳам гап борадики, бу ҳуқуқ ҳозир амалда бўлган Конституцияда ёзилган эмас. Бу ҳуқуқ уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқидан иборат. Бу социализмнинг жуда катта ютуқларидан биридир. Совет ҳокимияти йилларида умумий саҳни қарийб уч миллиард квадрат метрдан иборат бўлган уй-жойлар қурилди. Айниқса кейинги йилларда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ўтган 15 йил ичида умумий саҳни 1,5 миллиард квадрат метрдан ортиқ уй-жой қурилди. Мамлакатимиз аҳолисининг учдан икки қисми янги уйларга кўчиб кирди ва ўзининг уй-жой шароитларини яхшилаб олди. Бизда квартира ҳақи 1928 йилдан буён ўзгармай келмоқда ва дунёда энг кам тўланадиган ҳақ ҳисобланади.

Конституция лойиҳасига «Социал ривожланиш ва маданият» деган махсус боб биринчи марта киритилган. Ушбу боб ўзига хослигининг асоси шундан иборатки, унда эришилган ютуқларгина Конституцион жиҳатдан мустаҳкамланиб қолмай, балки совет давлати социал снёсатининг бундан кейинги бош йўналишлари ҳам белгилаб берилган.

Мазкур бобда кўрсатиб ўтилганидек совет давлати жамиятнинг социал бир хиллигини кучайтиришга кўмаклашади. Бунга эса иш ҳақи билан даромадлар даражасини бир-бирига яқинлаштириш, бутун аҳолининг умумий таълим ва маданий даражасини ўстириш йўли билан эришилади. Фан-техника тараққиёти, билим даражасининг ўсиши негизида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат бир-бирига яқинлаша боради. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги жиддий тафовутлар йўқолиб боради. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг индустриал меҳнатнинг бир турига айланиши, қишлоқ жойларда халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ ва коммунал хўжалик муассасаларни тармоқларининг кенгайиб бориши, қишлоқларнинг обод посёлкаларга айланиш программаси изчил амалга оширилмоқда.

Янги Конституция лойиҳасида меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисида; оғир қўл меҳнатини қисқартириш, кейинчалик эса ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш негизида уни бутунлай сиқиб чиқариш тўғрисида давлат қилаётган ғамхўрлик таъкидланади. Ҳозирги вақтда саноатда 130 мингга яқин механизациялашган поток ва автоматлаштирилган линиялар, 71 мингдан ортиқ комплекс механизациялашган корхоналар, участкалар ва цехлар бор. Ўтган 40 йил мобайнида меҳнатни энергия билан таъминлаш 7 баравардан ҳам кўпроқ ошди. Бизнинг мамлакатимиз ишлаб чиқаришда жароҳатланиш даражаси энг кам бўлган мамлакатлар қаторига киради.

Социал снёсатни амалга ошириш йўллари ва воситалари конституцион тартибда биринчи марта белгилаб берилди. Шу нарса таъкидланадики, давлат меҳнат унумдорлиги ўсишига мувофиқ равишда меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини, меҳнаткашларнинг реал даромадларини ошириш йўлини изчиллик билан ўтказилмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан белгиланадиган ўртача ойлик иш ҳақи 1940 йилдаги 33 сўм ўрнига 1976 йилда 155 сўмни ташкил этди. Ижтимоий истеъмол фондларидан олинадиган тўловлар ва имтиёзлар янада кўп даражада ортди. Саккизинчи ва тўққизинчи беш йилликлар мобайнида аҳолининг реал даромадлари 65 процент кўпайди. Ўнинчи беш йилликда реал даромадлар 21 процент кўпаяди. Конституция лойиҳасида ижтимоий истеъмол фондларидан кайси мақсадлар учун фойдаланиш кераклиги белгилаб берилган.

Янги Конституция лойиҳасида кўрсатиб ўтилгандек, СССРда соғлиқни сақлаш социал-таъминот, маиший хизмат, умумий овқатланиш ва коммунал хўжалик давлат системалари амал қилмоқда ва ривожланмоқда. Қуйидаги мисоллар шундан далолат беради: 40 йил давомида касалхоналардаги ўринлар сони 550 мингтадан 3 миллиондан ҳам кўпроқ ортди. 1936 йилда ҳар юз минг аҳолига 66 врач тўғри келган бўлса, 1976 йилда 335 врач тўғри келди. Бу ҳар қандай капиталистик мамлакатдагига нисбатан анча кўпдир. Урушгача бўлган даврда ҳар минг ишчидан 44 киши олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотли эди, 1976 йилда эса бу рақам 664 кишини ташкил этди.

Ҳозир мамлакатда 1,3 миллионга яқин илмий ходим ёки жаҳондаги барча илмий кадрларнинг тахминан тўртдан бир қисми ишлаб турибди.

Конституция лойиҳасида СССР гражданларининг ҳуқуқлари билан бир қаторда уларнинг бурчлари ҳам таърифлаб берилган. Бизда ижтимоий фойдали меҳнат ҳамда унинг натижалари инсоннинг тутган ўрнини белгилайди. «Ҳар кимдан—қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» принципига биноан давлат меҳнат қилиш даражаси ҳамда истеъмол даражаси устидан назоратни амалга оширмоқда. Ҳар бир совет кишиси ҳуқуқларининг бош гарантияси — ватанимизнинг янада ривожланиши ва гуллаб яшнашидан иборат. Шу сабабли СССРнинг ҳар бир граждани виждонан меҳнат қилиши, социалистик мулкни авайлаб асраши ва мустаҳкамлаши, социалистик ватанни ҳимоя қилиши, давлат олдидаги ва халқ олдидаги ўз бурчини ҳалол бажариши лозим.

Гражданларнинг совет давлати манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг куч-қудратини мустаҳкамлашга ёрдамлашиш, давлат ва жамоат мулкини ўғирлаш ва исроф қилишликка қаршн курашишдан иборат бурчлари конституцияда биринчи марта таърифлаб берилган.

Янги Конституция лойиҳаси — Совет Иттифоқи коммунистик партиясининг халқ ҳаёти ва фаровонлиги тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг ёрқин ифодаси, унинг «ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган программавий шиори амалга оширилаётганлигининг янги далилидир.

(ТАСС).



«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» заводи пропагандистлари коллектив орасида СССР янги Конституцияси лойиҳасини тарғиб қилмоқдалар. Суратда: инженерлардан У. Раҳимов, В. Шнекаев ва кутубхоначи В. Тедер навбатдаги суҳбатга тайёрланишмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

В. И. ЛЕНИН СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯ ҲАҚИДА

Снёсий адабиёт нашриёти «Социалистик революция ҳақида» деган икки томлик тўпламни чоп этди. Бу тўпламни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти босмага тайёрлаган. Тўплам В. И. Ленининг асарлари, мақолалари ва ҳужжатларидан иборат. Ана шу асар, мақола ва ҳужжатларда социалистик революция ҳақидаги марксизм-ленинизм назариясининг мазмуни, асосий проблемалари ва жаҳоншумул тарихий аҳамияти очиб берилган.

Икки томликдаги материаллар хронологик тартибда жойлаштирилган. Биринчи том В. И. Ленининг 1917 йил 25 октябрь (7 ноябрь) гача ёзган асарларини, иккинчи том Октябрдан кейинги даврда ёзилган асарларни ўз ичига олади.

Бу нашр В. И. Ленин асарларининг тўла тўпламн асосида тайёрланди.

(ТАСС).

ШИОРИМИЗ: САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ

КАТТА ЙЎЛДАН

- ЯНГИ КОРХОНАНИНГ ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТЛАРИ
- ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРГА КЎПЛАБ АППАРАТУРАЛАР
- ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ БИР НЕЧА БАРАВАР ОРТАДИ.

Яқинда республика пойтахтининг кенжа саноат корхоналаридан бири «Ташавтоматика» заводининг ишга тушганлиги ва маҳсулот бера бошлаганлиги тўғрисида маълум қилинган эди. Унинг дастлабки маҳсулоти бўлмиш бўёқлаш камералари республиканинг ва мамлакатнинг буюртмачи корхоналари ҳамда ташкилотларига жўнатила бошланди.

Янги корхона холодильниклар, пилесослар, кир ювиш машиналари ва рўзғорда ишлатиладиган бошқа буюмларни синаб кўрувчи ҳамда ремонт қилувчи махсус аппаратларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришмоқда.

Завод собиқ холодильниклар ишлаб чиқарувчи корхона ўрнида бунёд этилди. Бунинг учун бу ердаги барча ускуналар реконструкция қилинди. Қисқа муддат ичида тикланган янги корпусда бош ишлаб чиқарувчи участка вужудга келди. Юксак аниқликка эга бўлган нодир дастгоҳлар ва кучли пресслар ҳамда бошқа кўпдан-кўп ускуналар жойлаштирилган бу участкада тез суръатлар билан иш олиб борилмоқда.

Ёш корхонанинг тўла оёққа туришига мамлакатдаги турдош корхоналарнинг етук мутахассислари кўмаклашмоқдалар. «Ташавтоматика» заводининг ўнлаб ишчи ва хизматчилари Киев ва Қишинёвдаги заводларда тажриба орттириб келдилар. У ердан келган мутахассислар бригадаси ускуналарни созлашда ва ўзлаштиришда корхона коллективига яқиндан кўмаклашдилар.

Янги корхона шу зайлда қаддини ростламоқда, кенгаймоқда. Корхона коллективи шу йилнинг ўзида ўн иккн хил маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда. Булар — бўёқлаш ва совутиш камералари, электр ускуналарни ва тозаловчи асбобларни синаш учун қўлланиладиган установкалар ҳамда бошқа асбоб-анжомлардир.

Келажакда «Ташавтоматика» заводи асосий маҳсулот ишлаб чиқариш билангина шуғулланмай, балки турли-туман халқ истеъмоли моллариии ҳам тайёрлайди. Чунончи, бу ерда ремонт-синаш техникаси янги моделларини ишлаб чиқиш учун махсус хизмат участкалари тузилиши кўзда тутилган. Зеро, бундай ишларга бўлган талаб кейинги йилларда тобора ортиб бораётир. Буни ҳозирнинг ўзидаёқ завод адресига келаётган кўпдан кўп буюртмалардан ҳам билса бўлади. Чунки, буюртмалар дафтарида Россия Федерациясининг турли шаҳарларидан, Украинадан, Белоруссиядан, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа жойлардан келган адреслар ҳам бор. Уларни ҳисобга олган корхона коллективи буюртмачиларнинг илтимосларини тўла қондириш ниятида қизғин меҳнат жабҳасига кириши кетдилар. Заводнинг барча ишчилари, инженер-техник ходимлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб ишламоқдалар. Улар шу йилнинг охиригача юқоридаги адреслар бўйича бир миллион саккиз юз минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга ва уларни ўз вақтида жойларга жўнатишга аҳд қилишган. Айни вақтда коллектив Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейи шарафига муносиб армуғон тантанали ниятида ўзининг янги маҳсулотларини фақат аъло сифат билан чиқаришга, истеъмолчиларга пишиқ ва чидамли ускуналар ҳамда аппаратлар етказиб беришга маҳкам бел боғлаган. «Ташавтоматика» ўзининг яхши маҳсулотлари билан албатта шуҳрат топади, юксалиш йўлидан бориб ҳаммага манзур аппарат ва ускуналар билан эл ташаккурига сазовор бўлади.

Я. ТУХТАЕВ.

ЎҚУВЧИ КАСБ ТАНЛАМОҚЧИ



Бектемир шаҳрида Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли махсус ремонт корхонаси ишлаяпти.

Бу корхонада канал ва қудуқлардан далаларга сув чиқарадиган насос станциялари капитал ремонт қилинади. Суратда: насос станциялари двигателларининг электр симларини ўровчи М. Юдаков.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

«СССР ГРАЖДАНЛАРИ болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаши, социалистик жамиятнинг муносиб аъзоларн қилиб ўстириши шарт». Бу сатрлар СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасидан олинди. Ёш авлоднинг келажаги, мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиши кўп жиҳатдан меҳнат таълими билан узвий боғланган.

Ҳаётимизнинг асосий қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланиб Олмалиқ конметаллургия комбинатида ўтказилган йиғилишда бу муҳим ҳужжатнинг 66-моддаси кўпчиликнинг диққат-эътиборида бўлди.

— Фарзандларимизнинг ўқиши, таълим-тарбияси фақат ота-оналар, педагог коллективларнигина эмас, айни бир вақтда кенг жамоатчиликнинг ҳам жонажон иши бўлиб қолди,— дейди комбинат партия комитетининг секретари Т. Исмоилов.— Ёшларнинг истиқболи ишлаб чиқариш корхоналари учун ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Ахир, бугунги кунда мактабни у ёки бу корхона ҳамкорлигисиз тасаввур қилиб бўлармиди?!

Ўша йиғилишда лойиҳанинг ушбу моддасини ҳам қизғин маъқуллаб, қатор тадбирларни белгилаб олдик. Партия ва ҳукуматимиз келажагимиз бўлган болалар тўғрисида доим катта ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ёдингизда бўлса, КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг 50 йиллиги муносабати билан қабул қилган қарорида саноат корхоналари, қурилиш ва муассасалар партия ташкилотлари зиммасига мактаб билан алоқани кенгайтириш, унинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш вазифаси қўйилган эди. Ёш авлодни тарбиялашда ҳар бир коммунист, ҳар бир совет кишиси фаол иштирок этиши, бу ишни улар ўзларининг гражданлик бурчи ва фахрли вазифаси деб билишлари алоҳида таъкидланганди.

Конституция лойиҳасида бу масалага жиддий аҳамият берилишининг боиси ҳам ана шунда! Хўш, комбинатимиз билим ўчоқлари билан қандай алоқалар ўрнатган? Ҳозир шаҳримиздаги ўн битта мактаб бизнинг оталигимизда. Улар корхонамиз учун, айтиш мумкин бўлса, «Зарур бўлинма» бўлиб қолган.

Комбинатнинг фабрика ва заводлари таълим-тарбия соҳасида амалий ёрдамни кучайтириш мақсадида алоҳида ўқув бурчакларини ташкил этдилар. Қалмоққир тамов ва бошқалар актив фаолият кўрсатишаяпти. Эндиликда 18-мактабнинг 7-«А» синфи ўқувчилари ўртоқ М. Максимова бошлиқ бригада аъзолари кўмагида фойдали касб-ҳунарларни ўрганишмоқда. Т. Засмолина, Г. Гасапов, Е. Лежнев, Б. Кашчеев бошлиқ смена ва бригадаларда ҳам шундай ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

Мактабларнинг ўқув-моддий базаларини мустаҳкамлаш йўлида кўрилаётган тадбирлар ҳам мактовга сазовор. Кейинги 7—8 йил ичида кўргазмали ўқув қуроллари ва техника воситалари сотиб олиш учун комбинат томонидан 150 минг сўм пул ажратилди. Яқиндан кўрсатилаётган оталиқ ёрдами туфайли қўшимча чилардан иборат группалар ташкил этилди. Марказий ремонт-механика заводи, автотранспорт бошқармаси, темир йўл цехи коллективлари томонидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда корхоналар партия ва хўжалик раҳбарлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Олмалиқ шаҳрида «Касбим-фахрим» деган мавзуда тантаналар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ўқув йили якуни арафасида донгдор кончилар 2-мактаб ўқувчиларининг азиз меҳмони бўлишди. Кончилик касби билан ёшларни таништириш бўйича 3-мактабда кечалар ўтказилди. Шундан сўнг комбинат ёрдами билан билим ўчоғида касб танлаш бурчаги очилди.

Ўқувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш кўп қиррали ишдир. Бунда оталиқ ташкилотларининг ёрдами ва иштироки катта бўлмоғи лозим. Шуни инобатга олиб, кончилар СССР янги Конституцияси лойиҳасини айрим таклифлар билан бойитиш лозимлигини айтишади. Жумладан, улар лойиҳанинг 66-моддасидаги «Уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш» деган сўзлар «Мактабларни оталиққа олган корхоналарнинг бевосита иштирокида уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш» деб тўлдирилса айни муддао бўлур эди, дейишди.

Шунингдек, 45-моддада келтирилган **«касб танлашга йўллаш системасини ривожлантириш»** сўзларига **«касб танлашга йўллаш системасини политехник меҳнат таълими асосида ривожлантириш»** деган мазмунда таҳрир киритиш таклиф этилди.

Жонкуяр корхона коллективи билан мактаблар ўртасида боғланган яқин алоқа натижалари ҳам кончиларнинг бу фикр ва таклифлари ўринли эканлигини кўрсатиб турибди.

А. АЛИЕВ.

КОРХОНА ВА МАКТАБ

кони бригадалари, участка ва сменалари учинчи мактаб ўқувчиларига касб ўргатишда бой тажриба тўпладилар. Мис эритиш заводи 21, мис бойитиш фабрикаси эса 18-мактаблар билан яқин алоқа боғлаган. Шунингдек, 11- ва 15-мактаблар оталиқ ёрдамидан мамнундирлар.

Биз шаҳардаги 3-ўрта мактабда бўлганимизда кончиларнинг ҳимматига қойил қолдик. Қалмоққир кони комсомол ташкилоти ўз активларини пионер отрядларига бириктириб қўйган экан. Пионер ва ўқувчиларни походларга олиб чиқишда, корхоналарга экскурсиялар уюштиришда ишлаб чиқаришдан келган вожатийлар бош-қош бўлишаётир.

Бу, бир! Иккинчидан, илғор кончилар алоҳида-алоҳида пионер отрядларига бириктирилган. Бу ҳайрли ишда комсомол аъзоларидан экскаватор машинисти М. Западненка, моитёр И. Исомиддинов, электрик А. Русинфхоналар очилди, фан кабинетлари ва лабораторияларнинг ишга тушди. Натижада шаҳардаги барча билим ўчоқлари ўқитишнинг кабинет системасига ўтди.

Эндиликда 3, 11, 18, 21-мактаблар кўргазмали қуроллар билан жиҳозланиши бўйича областимиздаги энг намунали билим ўчоқлари ҳисобланади. Шаҳардаги 12-мактабда машинкада ёзиш кабинети ташкил топди. 18-мактаб ўз лингафон хонасига эга. Автомобиль ҳайдаш машғулотлари эса 23-мактабда олиб борилмоқда.

Янги 1977—1978 ўқув йилига пухта тайёргарлик кўришда ҳам оталиқ ташкилотнинг ҳиммати катта бўлди. Қатор мактаблар капитал ва жорий ремонтдан сифатли чиқарилди. Ўқув ашёлари биринчи сентябрга тахт қилиб қўйилди.

Ўқувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш масаласига ҳам бу ерда алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўқувчиларнинг касб танлашлари бўйича илғор кончилардан иборат группалар ташкил этилди. Марказий ремонт-механика заводи, автотранспорт бошқармаси, темир йўл цехи коллективлари томонидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда корхоналар партия ва хўжалик раҳбарлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Олмалиқ шаҳрида «Касбим-фахрим» деган мавзуда тантаналар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ўқув йили якуни арафасида донгдор кончилар 2-мактаб ўқувчиларининг азиз меҳмони бўлишди. Кончилик касби билан ёшларни таништириш бўйича 3-мактабда кечалар ўтказилди. Шундан сўнг комбинат ёрдами билан билим ўчоғида касб танлаш бурчаги очилди.

Ўқувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш кўп қиррали ишдир. Бунда оталиқ ташкилотларининг ёрдами ва иштироки катта бўлмоғи лозим. Шуни инобатга олиб, кончилар СССР янги Конституцияси лойиҳасини айрим таклифлар билан бойитиш лозимлигини айтишади. Жумладан, улар лойиҳанинг 66-моддасидаги «Уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш» деган сўзлар «Мактабларни оталиққа олган корхоналарнинг бевосита иштирокида уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш» деб тўлдирилса айни муддао бўлур эди, дейишди.

Шунингдек, 45-моддада келтирилган **«касб танлашга йўллаш системасини ривожлантириш»** сўзларига **«касб танлашга йўллаш системасини политехник меҳнат таълими асосида ривожлантириш»** деган мазмунда таҳрир киритиш таклиф этилди.

Жонкуяр корхона коллективи билан мактаблар ўртасида боғланган яқин алоқа натижалари ҳам кончиларнинг бу фикр ва таклифлари ўринли эканлигини кўрсатиб турибди.

А. АЛИЕВ.

СУВЧИЛАР ҲИММАТИ

Тажрибали пахтакор Худойберди Дадашев ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг пешқадам бригада бошлиқларидан. Бригада аъзолари 90 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 43 центнердан ҳосил етиштиришга ваъда беришган. Ана шу маррани эгаллаш учун кураша сувчилар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ўз вақтида озиқлантирилиб таглари юмшатилган ғўзалар дуркун ривожланмоқда. Айни кунларда ғўзанинг тақдири сувчилар қўлида эканини яхши ҳис қилган сувчилар экинни маромида қондириб суғормоқдалар.

— Содиқ Пардақулов, Умарали Тошбоев, Алижон Набиев, Раҳим Умурзоқов каби сувчиларимиз, кечакундуз ишлаб экинни сувдан толиқтиришмаяпти, — дейди бригада бошлиғи Дадашев кенг пайкалда яшнаб турган ғўзага ишора қилиб.

Р. БОЙТУЛЛАЕВ.

● ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитетининг «Республика маккажўхорикорларининг социалистик мусобақаси тўғрисида»ги қарори «қаҳрабо дон» етиштираётган барча комсомол ёшлар бригадаларида катта қизиқиш билан кутиб олинди. Қарордан руҳланган юзлаб бригада коллективлари мавжуд резерв ва имкониятларни қайта кўриб чиқиб зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олишди.

Оржоникидзе районидаги «Красний водопад» хўжалигининг Асад Бегматов бошлиқ маккажўхорячилик бригадаси аъзолари ҳам оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар. Улар силос учун экилган маккажўхоридан 600 центнердан кўк масса, дон учун экилган маккажўхоридан эса 105 центнердан қаҳрабо дон» ҳосили олиш учун курашмоқдалар. Хўжалик маъмурияти ва партия ташкилоти бригада аҳлининг ўз ваъдасини ёруғ юз билан бажарниш учун ҳар томонлама қулайликлар яратиб бераётир. Жумладан, яқинда ишга тушган насос станцияси экинни қулай пайтларда обн ҳаётга қондириб сугориш имконини бераётир. Суратларда: [чапдан] янги насос станцияси; бригада бошлиғи А. Бегматов билан сувчи М. Муродовлар сув талаб картага обн ҳаёт тараш режасини тузмоқдалар; илғор сувчи С. Усмонов иш устида.

Ф. Абдурасулов фотолари.





ОҚОЛТИНЛИКЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

ОҚОЛТИН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПАХТА, МАККАЖЎХОРИ ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ ҚИСҚА МУДДАТДА ИИҒИШТИРИБ ОЛИШ ВА ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДАГИ

ТАДБИРЛАРИ

Қўриқ ердаги Оқолтин районининг қишлоқ хўжалик механизаторлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорларини амалга оширa бориб, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 1977 йилда ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олишди. Районда бу йилги оғир шароитда ана шу социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашиб, комплекс механизациянии кенг қўлланиш туфайли барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Район хўжаликлари давлатга икки йиллик план ҳажмида ғалла топширдилар, ем-хашак тайёрлаш планн ортиғи билан бажарилмоқда, чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш мўлжалдагидан илдам бормоқда. Дон учун маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга камида 13 минг тонна маккажўхори дони топширилади. Оқолтинликлар Мирзачўл шароитида пахтадан йил сайин мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Бу йил гектар бошига ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш ва давлатга 71 минг тонна пахта топшириш учун курашмоқдалар.

Район коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ипатово район партия комитетига йўллаган мактубини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Бу мактубда ғалла ҳосилини йиғиштириб олишни ташкил этиш соҳасида ана шу район ишига юксак баҳо берилган.

Оқолтин район партия комитети Ипатово районининг тажрибасини чуқур таҳлил этиб ва бу тажрибани кенг оммалаштириш тўғрисида ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини бажара бориб, ана шу тажрибадан ўз районида фойдаланишга қарор қилди.

Оқолтин район партия ташкилоти пахта, хашаки маккажўхори ва бошқа экинларни йиғиштириб олишнинг комплекс планини ишлаб чиқди. Ана шу планга биноан район совхозларида пахтани йиғиштириб олиш бўйича 42 та терим ва транспорт отряди ва маккажўхорини дон учун йиғиштириб оладиган 8 та отрид тузишга қарор қилинди. Пахта терими ҳар бир отрядга ўқариқларни текислаш ва машиналар қайриладиган жойларни тайёрлаш учун грейдерлари ҳамда чизеллари билан бирга учта ҳайдов трактори, 18-20 тадан пахта терадиган машина, 5-6 тадан транспорт трактори, пахтани қопқаноргиз ташиш учун 35-40 тадан трактор прицепи, техникавий парвариш кўрсатиш учун кўчма устахона, бевосита далада механизаторларга маиший хизмат кўрсатадиган биттадан машина ҳар бир отрядга бириктириб қўйилган.

Ҳар бир отрядда ўрта ҳисобда 8-9 звено ишлайди. Булардан бири далаларни тайёрлайди, уч-тўрттаси йиғим-терим звеноси, иккитаси транспорт звеноси, биттаси созловчи слесарлар звеноси ва тағин биттаси маиший хизмат кўрсатадиган звенодир. Тажрибали малакали механизаторлар звено раҳбарлари қилиб тайинланади, маиший хизмат кўрсатадиган звенога эса тажрибали ташкилотчи бошчилик қилади. Ҳар бир звено ўз ишини отриднинг ягона графиги асосида ташкил этади. Отряд аъзолари 50-55 кишидан иборат бўлиб, шу жумладан 43 механизатор, мутахассислар ва маиший хизмат кўрсатадиган учта ходим бўлади. Агроном далаларни ҳосилни йиғиштириб олишга тайёрлаш соҳасида звеноларнинг ишини назорат қилади, ҳосилни йиғиштириб олиш технология жараёни ва ишларнинг сифатини баҳарилишини текширади, механик агрегатларга вақтида техникавий хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

Ҳосилни йиғиштириб оладиган ва ташийдиган отрядларда партиявий-сиёсий ишларни амалга ошириш ва социалистик мусобақани ташкил этиш учун партия, комсомол ва касаба союз муваққат группалари тузилади.

Техникани, механизаторлар ва мутахассисларни бир ерга тўплаш ҳосилни йиғиштириб олиш жараёнига конкрет раҳбарлик қилиш, барча техникавий воситалардан унумли фойдаланиш, пахта ҳосилини поток усулда йиғиштириб олиш ва тайёрлаш жараёнини аниқ ташкил этиш имконини беради. Отрядлар составида кўчма ремонт устахоналари ва пайвандлаш агрегатлари билан бирга запас қисмларнинг зарур комплектига эга бўлган техникавий хизмат кўрсатиш юзасидан ихтисослаштирилган звеноларнинг бўлиши рўй берадиган нуқсонларни бевосита дала шароитларида тезда тузатиш ва техниканинг бекор туришини имкони борича камайтиришга ёрдам беради.

График бўйича ишларнинг аниқ ташкил этилиши туфайли ҳосилни йиғиштириб оладиган ва ташийдиган агрегатларнинг юксак унумдорликка эришиши муносабати билан тайёрлов пунктларининг ишини қайта қуриш, уларда пахта қабул қилишини тезлаштириш ва трактор поездларининг тез қатнаб туришини таъминлаш учун қабул этмасдан техникадан юқори унумли фойдаланиш, меҳнат ва маблағларни кам сарфлаган ҳолда бутун пахта ҳосилини қисқа муддатда — 30 кун ичида йиғиштириб олиш, пахта тайёрлаш планини 15 октябргача, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига 71 минг тонна пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни 25 октябргача бажариш имконини беради.

Машина теримини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказиш ҳамда пахта тайёрлашнинг юксак суръатларига эришиш мақсадида август ойининг охирларида ва сентябрь ойининг дастлабки кунларида «ОВХ-14» маркали 45 та агрегатдан имкони борича кўпроқ фойдаланган ҳолда ғўзани дефолиация қилиш кўзда тутилади. Терим бошлангунга қадар далалар бегона ўтлардан батамом тозаланади, ўқариқлар текисланади, машина қайриладиган жойлар тахт қилинади, йўллар, кўприклар ремонти тамомланади, ҳар бир дала участкаларга бўлиб қўйилади ва пахта терадиган агрегатларнинг группа усулида ишлашини ташкил этиш тадбирлари кўрилади.

Пахта терадиган машиналарнинг ремонти 10 августгача, кўрак чувийдиган машиналар тўкилган пахтани териб оладиган агрегатлар ва кўрак терадиган машиналар ремонти 20 августгача тугалланади.

Районда Ипатово райони методи асосида ҳосилни йиғиштириб оладиган ва ташийдиган отрядларнинг иш шароитлари тартиби тўғрисида механизаторларга инструктаж бериш ва уларни ўқитиш тугай деб қолди.

Мўлжалланган комплекс планнинг амалга оширилиши районга четдан ишчи кучларини жалб этмасдан техникадан юқори унумли фойдаланиш, меҳнат ва маблағларни кам сарфлаган ҳолда бутун пахта ҳосилини қисқа муддатда — 30 кун ичида йиғиштириб олиш, пахта тайёрлаш планини 15 октябргача, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига 71 минг тонна пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни 25 октябргача бажариш имконини беради.

ХУШХАБАРЛАР

БЕКОБОД цемент комбинатида шифер ишлаб чиқаришга янги линия белгиланган муддатидан анча илгари лойиҳадаги қувватига эришди. Бу ерда шифер ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамма ишларни мустақил равишда машиналар бажармоқда. Бунинг натижасида етти ишчи бошқа ишларга кўчирилди. Энди корхонада шифер ишлаб чиқариш учун бир баравар кўпайди, йиллик тежам 156 минг сўмга боради.

* * *

БЕКОБОД пахта тозалаш заводида ўрнатилган «ТЛХ-600» маркали кўчма механикавий транспортёрлар электр энергия сарфлашни икки баравар қисқартириш, цехлар ичида ҳавонинг чанглигини камайтириш имконини беради. Бу транспортёрлар эскириб қолган пневмотранспорт қурилмалари ўрнини босди.

(ЎзТАГ).

Устоз

БИЗДА барча касблар эъзозли. Зотан, уларнинг ҳаммаси халқимизнинг бахтиёр ҳаёт кечириши ва турмуш фаровонлигини яхшилашдек муқаддас ишга хизмат қилади.

Инсонни қўл меҳнатидан озод этувчи машина ихтиро этувчининг мавқеи улуг, ижтимоий қарлар, осмонўпар бинолар бунёд этувчи архитектор бўлиш ундан ҳам қувончли. Сунъий денгиз, гигант тўғонлар ижодкори — инженернинг касби нақадар гаштли. Коинот денгизида жавлон уриб, юлдузларга йўл очаётган учувчи-космонавтлар касбига тасанно. Шундай бўлса-да, ёш авлодни шакллантириш, уни тарбиялаб вояга етказиш ишига хизмат қилиш ҳамма касблардан ҳам мароқли. Ҳа, ўқитувчи ёш авлод характерини тоблантиради, ҳиссиётини тарбиялайди, дунёқарашини шакллантиради.

Ана шундай мўътабар касб эгаларидан бири етук олим, тамхўр мураббий ва устоз, Тошкент политехника институти кечки-сиртқи бўлими «Олий математика» кафедрасининг мудири, физика-математика фанлари кандидати доцент Нажим Акбарович Акбархўжаевдир.

Нажим Акбарович Тошкент Давлат университетини тамомлагач, Тошкент давлат педагогика институтининг «Олий математика» кафедрасига ишга юборилади. Н. Акбархўжаев 1941 йилда кандидатлик диссертациясини ёқлади.

1942 йилда немис-фашист босқинчиларига қарши жангга кетди. Жангда оғир ярадор бўлгач, 1943 йилда Тошкентга қайтиб келиб, педагогика институтида ишлай бошлади. 1965 йилда политехника институтида кечки-сиртқи бўлими «Олий математика» кафедраси ташкил этилгач, мудир бўлиб ишга ўтди. Ўн икки йилдирки, унга муттасил раҳбарлик қилиб келмоқда. Ўтган йиллар ичида кафедра фаолияти кучайтирилди. У ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда юқори малакали инженер-кадрлар тайёрлашга бевосита муносиб ҳисса қўшаётган етакчи кафедралардан бирига айланди.

Нажим ака раҳбарлигида икки аспирант кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди ва тўрт аспирант диссертациясини ҳимояга тайёрлади.

Н. Акбарович актив жамоатчи, тадбиркор раҳбар, принципиал коммунист сифатида институтнинг жамоат ишларида фаол қатнашиб келади. У қатор йиллар давомида институт касаба союз комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий судининг маслаҳатчиси бўлиб ишлади. Куйбишев, Октябрь район партия конференцияларида делегат бўлиб қатнашди. Олим Н. Акбаровичнинг меҳнатсеварлиги, жамоат ишларидаги хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак тақдирланган.

Ҳозир Нажим Акбарович Акбархўжаев айни куч-қувватга тўлган, илҳоми қайнаган бир даврда яшамоқда. У олтмиш баҳорни кўрди. Биз шогирдлари устозининг табаррук ёшларини муборакбод этамиз ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдек муқаддас ишларида юксак илмий парвоз, боқий умр, катта бахт ва иқбол тилаймиз.

Х. САРИМСОҚОВ,
физика-математика фанлари кандидати, доцент.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

● **БОННГамбург аҳолисидан 1.500 га яқин киши янги нацистларнинг ижтимоий мақсадида ўтказиладиган навбатдаги йиғинига ҳалақит бериш учун шаҳар кўчаларига чиқди. Фашист қамоқ лагерларининг номи ва бу лагерларда ҳалок бўлган кишиларнинг сони кўрсатилган транспарантларни кўтариб олган намойишчилар янги фашист ташкилотларининг газандалари ўтиши лозим бўлган кўчаларни қуршаб олдилар.

● **ЛОНДОН.** Бу ерда Антарктиканинг келажагига доир проблемаларга бағишланган халқаро семинар ўтказилди. Семинарда сўзга чиққан кишилар 1959 йилда имзоланган шартнома қоидаларига қаттиқ амал қилиш зарур эканлигини таъкидладилар. Бу шартнома Антарктикадан фақат тинчлик мақсадида фойдаланишни, у жойда илмий тадқиқотларни бемалол ўтказишни, ҳар қандай ҳарбий тадбирларни тақиқлашни кўзда тутади.

● **БАЙРУТ.** Ливан парламентининг раиси К. Ал-Асаад журналистлар билан учрашув вақтида қуйидагиларни айтди: Исроилнинг Ливангагина эмас, бутун Араб миллатига ҳам қарши қаратилган сиёсати натижасида Ливаннинг жанубидаги аҳвол мураккаблашди ва ҳатарли тус олди.

Исроилнинг Ливан жанубидаги территориясининг бир қисмига қарши қилаётган ижтимоий қарлиги, деб уқтириб ўтди у, Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан бартараф қилиш борасидаги тадбирларга путур етказиш ва Араб мамлакатларини бир-биридан ажратиб юбориш мақсадини кўзда тутади.

К. Ал-Асаад барча Араб мамлакатларини Жанубий Ливан проблемасини ҳал этишда қатнашишга чақирди.

● **ЛУАНДА.** Ангола халқ республикаси билан Португалия республикаси иккала мамлакат ва иккала халқнинг манфаатларини кўзлаб, бир-бирларини ҳурмат қилиш, мустақиллик, суверенитет ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик асосида икки томонлама муносабатларни ва турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганлигини изҳор қилади. Ангола ва Португалия ҳукуматларининг бу ерда эълон қилинган қўшма баёнотида шундай дейилган.

(ТАСС, 27 июль).



● **БОЛГАРИЯ. Девна шаҳридаги цемент заводи СССР ёрдамида қурилган. Ҳозир бу ерда совет мутахассисларининг катта бир группаси болгар ҳамкасбларига асбоб-ускуналарни созлашда ёрдамлашмоқдалар. Суратда: совет инженери Павел Пишняк ва болгар инженери Цветанка Иванова.**

В. Мастюков фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Дунё овози
чет эл хабарлари

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ПЛАН МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

● **ПРАГА. Чехословакиянинг Всетин шаҳридаги «Збройовка» машинасозлик заводи Совет Иттифоқига маҳсулот етказиб бериш планини муваффақиятли бажармоқда. Шу корхона коллективи совет заказчиларига ҳозиргача 22 миңгтадан кўпроқ серунум пневматик мокисиз тўқув станоги жўнатди. Улар ССРнинг кўпгина тўқимачилик комбинатларида жуда яхши ишлаб турибди. Бу йил Всетин машинасозлари совет тўқимачилари учун яна бир туркум станок ясаб берадилар.**

ГАЗЛАМА ВА ПОЙАФЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЙТИРИЛМОҚДА

● **БУХАРЕСТ. Йил бошланганидан бери Руминияда енгил саноатнинг бир қанча корхоналари ишга туширилди. Улар орасида Бухарест ва Ҳунедоарадаги чарм пойафзал фабрикалари, Бакэу ва Бузэудаги трикотаж фабрикалари бор. Улар илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш имконини берадиган серунум асбоб-ускуналар билан таъминланган.**

Ўтган беш йилликнинг сўнгги йилига нисбатан бу йил республика енгил саноати газлама ишлаб чиқаришни тахминан 50 процент, тайёр кийимкечак ишлаб чиқаришни 20 процент, пойафзал ишлаб чиқаришни 30 процент кўпайтиради.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ НЕФТЬ

● **БЕЛГРАД. Воеводина нефтчилари шу йилнинг олти ойи ичида 560 минг тонна нефть қазиб чиқариб, план топшириқларини 9,3 процент оширib бажардилар. Айни вақтда ер остидан яриm миллион куб метрга яқин газ чиқарib олиндн. Матбуот хабарига қараганда бошқа нефть конларида ҳам план ошириб бажарилмоқда. Бу — ўзига керакли нефтнинг қарийб учдан икки қисмини чет эллардан сотиб олаётган Югославия учун катта аҳамиятга эгадир.**

Бу йил ЮСФРда 4 миллион тоннадан ортиқ нефть қазиб чиқариш мўлжалланмоқда.

ПРОПАГАНДИСТ УЙИ ОЧИЛДИ

● **ГАВАНА. Камагуэй шаҳрида Кубада биринчи пропагандист уйи очилди. Унинг асосий вазифаси пропагандист ва лектор кадрлар тайёрлашдан иборат. Ўқув программасида Кубанинг ички ва ташқи сиёсати, экономика, тарих, динга қарши пропаганда юзасидан машғулотлар ўтказиш белгиланган. Шаҳар коммунистлари учун турли мавзуларда суҳбат ва лекция ўтказиш — пропагандист уйининг бошқа бир соҳасидир.**

ГОБИЛИКЛАРНИНГ МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

● **УЛАН-БАТОР. Халқ Монголияси меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини зарбдор меҳнат билан кишонлашга ҳозирлик кўрмоқдалар. Шу кунларда пойтахтга аймоқларнинг марказларидан биринчи ярим йиллик план топшириқлари ошириб бажарилганлиги тўғрисидаги рапортлар ҳамон келиб турибди.**

Октябрь юбилейи шарафига Гоби-Олтой аймоғи меҳнаткашлари ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобақанинг биринчи ярим йиллик якунлари юзасидан суб хўжалиги бошқармаси ва бирлашмалараро корхона коллективлари ғолиб чиқдилар.

«Унэн» газетасининг таъкидлаб ёзишича, Гоби меҳнаткашлари ўзларининг ютуқларини шонли Октябрь байрамига бағишладилар.

УРИМ-ЙИҒИМ ДАВРИ

● **ХАНОЙ. Вьетнам деҳқонларининг ўрим-йиғим даври келди. Вьетнам шимолида шоли ҳосили жадал ўриб-йиғиб олинмоқда. 750 минг гектардан ортиқ майдонда ўрим ишлари тугалланди. Давлат омборларига янги ҳосилнинг дастлабки бир неча минг тонна дони жўнатилди. Жанубда эса кузги шоли экилмоқда. Деҳқонлар салкам ярим миллион гектар майдонга кўчат ўтказиб бўлишди.**

Мамлакат дала меҳнатчиларининг бутун куч-ғайрати бу йил 13,7 миллион тонна шоли етиштиришга юзасидан партия билан давлат ўртага қўйган вазифани бажаришга қаратилган.

(ТАСС, 27 июль).

ДАМАШҚДА ХАЛҚАРО ЯРМАРКА

ДАМАШҚ, 27 июль. (ТАСС). Сурия пойтахтида 24-халқаро ярмарка очилди. Бу ярмаркада 53 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар, шунингдек бир қанча халқаро ва регионал ташкилотлар қатнашмоқда.

Сурия Араб Республикаси экономика ва ташқи савдо министри М. Ал-Имоди ярмаркани очиш вақтида сўзлаган нутқида мамлакатнинг хўжалик ишлари соҳасида кейинги йилларда эришган муваффақиятлари тўғрисида гапирди. У давлат секторининг фаолиятига юксак баҳо берди. Миллий даромадда давлат секторининг ҳиссаси 46 процентга етди. Давлат сектори, деб таъкидлади министр, республиканинг иқтисодий тараққиётида бундан буён ҳам етакчи роль ўйнайди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИИЛ 28 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)
Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён, учинчи устун — шу жумладан сенаж, тўртинчи устун — ўт уни.

Калинин	1,1	92,8	117,8	82,4
Пискент	0,2	88,6	101,8	88,9
Оҳангарон	2,6	86,6	115,1	62,6
Қуйи Чирчиқ	0,1	84,8	100,6	75,0
Бекобод	0,2	84,6	111,3	67,6
Бўка	0,2	83,3	110,8	67,8
Оққўрғон	0,2	82,9	100,0	46,6
Оржоникидзе	0,2	81,8	89,5	56,9
Ўрта Чирчиқ	—	80,9	100,6	31,1
Чиноз	0,6	80,7	98,4	31,2
Тошкент	0,3	80,4	100,0	37,8
Юқори Чирчиқ	0,4	76,8	100,1	55,3
Янгийўл	0,1	71,1	100,6	50,6
Бустонлиқ	0,2	68,3	100,1	43,5
Область бўйича:	0,6	83,5	103,5	61,3

ОЗУҚА ЖАМҒАРИШНИ ТЕЗЛАШТИРАЙЛИК

Тошкент области чорвадорлари озуқа тайёрлаш юзасидан юбилей йили учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишган. Кўпгина хўжаликлар ана шу юксак мажбуриятларига яраша чорва қишловига тўйимли озуқа жамғариш тадбирларини муваффақиятли амалга оширмоқдалар. Айниқса, Калинин, Пискент, Бекобод, Бўка, Қуйи Чирчиқ районлари хўжаликларида бу йил ҳавонинг қурук келганлигига қарамай, етарли миқдорда сифатли озуқа жамғарилмоқда. Бу районлардаги колхоз ва совхозлар коллективлари ҳозирги кунгача социалистик мажбуриятларини 82—90 процент қилиб бажардилар.

Область миқёсида сенаж бостириш мажбурияти муддатидан илгари бажарилди. Ҳозиргача бу тўйимли ва хушхўр озуқа запаси 279,3 минг тоннадан ошди. Бу социалистик мажбуриятдагига нисбатан 103,4 процентни ташкил этади.

Витаминли ўт уни тайёрлаш суръати ўтган йилдагига нисбатан бирмунча юқори бўлаётир. Ҳозиргача тайёрланган витаминли ўт уни 11,8 минг тоннадан ошди.

Озуқа тайёрлаш ишлари қизғин давом этаётган ҳозирги кунда бир қатор хўжаликларнинг чорвадорлари ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариб қўндилар. Калинин районидаги Оржоникидзе номли, Куйбишев номли колхозлар, Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз, Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхози ва «Қизил Ўзбекистон» колхози, Тошкент районидаги Ильич номли, К. Маркс номли, Охунбобоев номли колхозлар ва яна бир қатор хўжаликлар шулар жумласидандир.

Ўтган ҳафтада Калинин, Оҳангарон, Юқори Чирчиқ ва Оржоникидзе районларида озуқа жамғармш суръатлари бир мунча тезлаштирилди.

Бироқ, айрим районларда озуқа жамғаришда сусткашликка йўл қўйиб келинмоқда. Сўнгги ҳафтада Оққўрғон, Тошкент, Бўстонлиқ районларида иш суръати пасайиб, ҳафталик ўсиш даражаси 2,2—5,3 процентга тушиб қолди. Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозда, Тошкент районидаги Ленин номли колхоз ҳамда «Тошкент» ва «Ленинград» совхозларида, Оржоникидзе районидаги «Коммунист» ва Ленин номли колхозларда аҳвол янада ташвишлидир. Бу хўжаликларда озуқа жамғармш топшириғи эндигина 49—70 процент бажарилди, холос. Оржоникидзе ва Чиноз районлари эса ҳатто сенаж бостириш топшириқларини ҳам ҳанузгача бажармадилар.


Витаминли ўт уни тайёрлашнинг бориши ҳусусида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Бу қимматли озуқа турини тайёрлашни узлуксиз давом эттириш учун барча агрегатлар қувватидан икки смена давомида тўла фойдаланиш лозим. Калинин, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Бекобод, Бўка, Оржоникидзе, Юқори Чирчиқ районлари хўжаликларида бу иш оқилона уюштирилганлиги туфайли ҳозиргача топширнқ 52—80 процентга адо этилди. Бу районлар хўжаликларида ҳар бир агрегат билан кунига 5—7 тоннага етказиб ўт уни тайёрланмоқда. Урта Чирчиқ, Оҳангарон, Чиноз районлари хўжаликларида эса бу соҳадаги кўрсатгичлар мутлақо қониқарсиздир.

Силос бостириш пайти ҳам келди. Силос учун экилган маккажўхорини қисқа муддатларда ўриб олиб, камида 500 минг тонна силос бостирилиши лозим. Область бўйича силос бостириш суръати ўтган йилдагига нисбатан бир мунча тез бораётир.

Бироқ, Бекобод, Бўстонлиқ, Калинин, Оржоникидзе, Янгийўл районларидаги хўжаликлар область бўйича умумий суръатдан ортда қолмоқдалар. Тошкент районн хўжаликларн эса ҳанузгача силос бостиришга киришганлари йўқ.

Вақт кутиб турмайди. Озуқа жамғаришда ортда қолаётган районлар, хўжаликлар ишни мумкин қадар жадаллаштириш юзасидан амалий чоралар кўришлари, пахта йиғим-терими бошлангунга қадар бу ишларни ниҳоясига етказишлари лозим. Барча озуқа турларини чорва моллари қишлайдиган ерларга келтириб қўйиш, уларни аниқ ҳисоб-китоб қилиб боркш ва намуналп сақлаш ҳар бир чорвадорнинг шарафли бурчидир.

М. МУЛЛАЕВ,
Тошкент область халқ контроли комитетининг раиси.



ОҚҚУРҒОН районидаги Мустафо Чачи номли пионер лагерида кўпгина ўғил-қиз ёз гаштини сурмоқда. Болаларнинг соғлом ва тетик бўлишларини таъминлаш мақсадларида улар медицина кўригидан ўтказиб турилади. Суратда: шифокор Рашида Сайфулина ўқувчининг соғлиғини кўздан кечирмоқда.

Х. Аввалов фотоси.

ЎҚУВЧИЛАРГА МУНТАЗИР

ОРЖОНИКИДЗЕ райони маориф ходимлари райондаги 43 та мактабни ремонтдан чиқариб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйдилар. Ремонт ишларига «Коммунизм», «Правда» колхозлари, «Қизил Шарқ», «Химик» совхозларнинг қурилиш бригадалари ва оталиқ ташкилотлар катта ёрдам бердилар.

— Мактабларимиз сентябрга тахт қилиб қўйилди, —дейди район халқ маорифи бўлими мудири Х. Қодиров, —юбилей йилида район қурилиш бригадалари иккита янги мактабни ўқувчиларга ҳадя этди. Бир нечта мактабларда қўшимча синф хоналари, спорт заллари қуриб битказилди. Ремонт ишлари ва кўргазма қуроллари учун 203 минг сўм маблағ ажратилган.

Янги ўқув йилида ҳамма техника воситалари ва кўргазма қуроллари билан жиҳозланган 502 та фан кабинетлари, 161 та ўқув устахоналари, 64 та мактаб ошхона ва буфетлари иш бошлашга тўла ҳозирланди.

Райондаги ўқув ишлаб чиқариш ҳунар маркази эса 654 ўқувчини қабул қилишга ҳозирлик кўрмоқда. Колхозлараро бу ҳунар техника марказида олти хил касб ўргатилади. Кейинчалик бу ўқув марказини 1600 ўринли қилиб кенгайтириш кўзда тутилган. 3 та махсус мусиқа мактаби да пионер уйлари ҳам ўқувчиларга мунтазир бўлиб турибди.

С. СУЛТОНОВ.



ФОТОКАМЕРАСИЗ СУРАТ

ЛЕНСОВЕТ номли технология институтининг олимлари давлат тадбиқий химия институтининг мутахассислари билан ҳамдўстликда ишлаб чиққан янги эслаб қолувчи қурилманинг асосий фазилати жуда яхши «манзара хотирот»идир.

Буюм ёки деталнинг экраннинг кўриш майдонига қўйиб, қоронғуликда нур чақнатилса борми, махсус шишасимон состав қопланган пластинкаларда шу заҳоти сурат пайдо бўлади. Электрон тасвирни конденсатор улаб, шу заҳоти ўчириб юборса ҳам бўлади. «Одатдаги нур ва ультрабинафша нурда, шунингдек рентген нури ва инфрақизил нурда сурат олавериш мумкинки, бунинг саноат дефектоскопияси ва медицинада принципиал муҳим аҳамияти бор.

Н. КРУПЕНИК,
ТАСС мухбири.
Ленинград.

МИЛЛИОН ЙИЛЛАРДАН КЕЙИН ТИРИЛТИРИЛДИ

ГРУЗИЯ меҳнат гигиенаси ва касб-ҳунар касалликлари институтининг ходимлари марганецли рудада ва кўмир қатламларида кўп миллион йил ётган микроскопик замбуруғ спораларини тирилтирдилар. Бу микроорганизмлар шахталардан топилган. Энг содда организмларнинг ғоят ноқулай шароитларда кўп миллион йиллар мобайнида ҳаётини сақлаб қола билиш қобилиятини ўрганишнинг муҳим илмий аҳамияти бор.

С. ШУЛЬЦ,
ТАСС мухбири.
Тбилиси.

БУЛОҚ СУВИНИ БУЛҒАТМАЙ

УЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси кибернетика институти ва Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг олимлари ер ости сувларининг булғанишини аниқ ҳисобга олиш методикасини ишлаб чиқдилар. Улар яратган математик модель сув бор қатламга ўтадиган ишлаб чиқариш оқиндилари ёки бошқа чиқиндиларга тўла миқдорий баҳо беришни кўзда тутади, ернинг сувни шимиш хусусиятини, турли шароитларга қараб сув оқимларининг эҳтимоли бор ифлосланиш даражасини ҳисобга олади.

КУЁШ НУРЛАРИ ИПАГИ

УРТА Осиё ипакчилик илмий тадқиқот институтининг технология лабораториясида пиллани бирламчи ишлаш учун қуёш установкаси синаб кўрилди. Бу установкани гелиофизик олимлар яратган. Қуёш ҳаво қиздиргичи ва қуритиш камерасидан иборат бўлган оддий қурилма пилланинг юксак технологик сифатларини сақлаган ҳолда пилланы бирламчи қайта ишлаш жараёнини тезлаштирадиган энг мақбул режимни таъминлайди. Электр энергияси ўрнига қуёшнинг арзон энергиясидан фойдаланиш хом ашёнинг таннархини арзонлаштиради.

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

9-ПОЛИГРАФЧИЛАР ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—1978 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти ўрта маълумотли линотипистлар, ҳарф теручилар, печатниклар ва муқовачилар тайёрлайди.

БИЛИМ ЮРТИГА 15—16 ЕШДАГИ 8-СИНФНИ ТАМОМЛАГАН УҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини тамом қилганлар тўлиқ ўрта маълумот ва ҳунар олганликлари ҳақида диплом оладилар.

БИЛИМ ЮРТИДАГИ УҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар МОСКВА ва ЛЬВОВ полиграфия институтларига ўқишга юборилади.

БИЛИМ ЮРТИДА МАШҒУЛОТЛАР УЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош ва кунига 3 маҳал овқат билан таъминланадилар. Зарурий ҳолларда ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида гувоҳнома, мактабдан характеристика, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй (6, 7, 9, 11, 13-троллейбуслар, 2, 3, 14, 33, 34, 50, 54,131-автобусларнинг «Волгоградская кўчаси» бекати). Телефонлар: 77-10-56, 77-10-33.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг

«СССР 50 ЙИЛЛИГИ» НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ ЯНГИ ОЧИЛГАН

176-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—78 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Пресслаш асбоб-ускуналари оператори, металл бўйича универсал токарь, универсал фрезерчи, механика-йиғув ишлари слесари, темирчилик-пресслаш асбоб-ускуналарини созловчи, асбобсоз-слесарь, электр-газ пайвандчи, программали бошқариладиган станоклар оператори, ТВЧ (юқори частотали ток) қурилмаси созловчиси, электромонтёр-электрослесарь, гальваник автомат линиялар оператори, агрегатли, махсус, тиш йўниш ва резьба-фрезерлик станокларини созловчи, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, электр пайвандчи, электр кўтарма кранлари машинисти.

Ўқиш муддати — 1—3 йил;

темирчилик-пресслаш ускуналарини созловчи, пресс ишлаб чиқариши оператори, электр кўтарма кран машинисти.

Ўқиш муддати — 1 йил.

ЎҚИШ МУДДАТИ БИР ЙИЛ БЎЛГАН ГРУППАЛАРДА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАБ БОРИЛАДИ ВА СУНҒГИ ИККИ МУТАХАССИСЛИККА КУПРОҚ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ЕШДАГИ 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ГСПТУни тамомлаган йигит-қизлар тўлиқ ўрта маълумот ва танлаган касби бўйича диплом оладилар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, махсус жомакор билан таъминланадилар. Четдан келганлар секция типидаги ётоқхоналар билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топилган маблағнинг 33 процентн тўлаб борилади. Билим юртини тугатганлар сўнгги маоши — 250 сўмгача.

Билим юртида стадион, спорт зали, сузиш бассейни мавжуд. Езги каникул даврида Чимён тоғларида спорт соғломлаштириш лагерлари ишлайди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома (аттестат), яшаш жойи, отаси ёки онасининг иш жойидан справкалар, 6 та фотосурат (3х4 см.), характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: 700177, Тошкент 177, 1-Ташавтомаш массиви, (1, 1-«Экспресс», 24, 73-автобусларнинг, «Трактор заводи» бекати).

Я·Н Г И ТАШКИЛОТ

Оржоникидзе районида колхозлараро марказлашган мактабгача тарбия бошқармаси ташкил қилинди. Унга олий маълумотли, тажрибали мураббия Шарифа Жуманова раҳбарлик қилмоқда.

Колхозлардаги ҳамма болалар боғчалари энди бошқарма ихтиёрига олиниб, марказлашган раҳбарлик ташкил қилинади. Таъминот ва таълим-тарбия ишлари умумий план асосида олиб борилади.

Бошқарма ҳозиргача райондаги 5 та колхоз боғчасини қабул қилиб олди. Уларда 700 га яқин тарбияланувчи бор.

У. НИЕЗОВ.

ПИОНЕРЛАР УЙИГА СОВҒА

СЕРҚУЁШ республикамиз пойтахтида ишлаб турган шаҳар интернационал дўстлик клуби чех халқининг содиқ фарзанди Юлиус Фучик номи билан аталади. Ҳозир унга кўпгина пионер ва ўқувчи ҳам аъзо.

Ёш интернационалистлар ташаббуси билан совғалар тайёрланиб, дўстларга армуғон этилмоқда. Ҳар хил китоблар, пионер горнлари ва ўқув анжомларидан иборат бўлган навбатдаги совға яқинда узоқ Анголага юборилди.

Ушбу бандерол ёш Ангола республикасининг Луанде шаҳридаги биринчи пионерлар уйи очилиши муносабати билан ҳадя этилди.

ГЕКТАРИДАН 30 ТОННА ПОМИДОР

Тошкент районидаги «Ленинград» совхозининг Тўлабой Мамешов бошлиқ бригадасида иш қизғин. Қийғос пишиб етилган помидор ҳосили пешма-пеш терилиб, шаҳарликларга жўнатилмоқда. Бу бригада аъзолари гектаридан 25 ўрнига 30 тоннадан ҳосил олиб 380 тонна помидор маҳсулоти топширишга аҳд қилганлар.

Т. ДУСИНОВ.

Баҳорнинг бир оз совуқ кунлари. Вақт чоштоҳ бўлиб қолган. Тунда майдалаб ёққан қор аллақачон эриб битган. Қуёш нуридан баҳра олаётган довдарахтлар ниш уриш, гуллаш тараддудида. Қишлоқнинг баланд пастликлардан иборат тош, ҳарсанг ётқизилган кичик кўчасидан ёлғиз ўзим борар эканман, ҳаёлларимни ўтмиш олиб кетди. Утган йиллар воқеаси кўз олдимдан бир-бир ўта бошлади. Мана шу қишлоққа, ана шу қадрдон кўчага илк марта қадам қўйганимга қарийб ўттиз йил бўлди.

...1942 йилнинг декабрь ойлари. Тун. Бизнинг солдатлар тушган эшелон Калинин областида тўхтади. Вагондан тушиш ҳақида буйруқ берилди.

Биз уч кеча-жанг бораётган Смоленск шаҳри томон тинимсиз пиёда йўл босдик. Аввалари бунчалик узоқ йўл юрмаганимиздан бўлса керак, ҳаммамиз ҳам роса чарчагандик. Шундай хориган эдикки, ўша кунлари бизга беш-ўн минутлик дам берилган пайтларда қор устида ўтиришимиз биланоқ пинакка кетардик. Айрим солдатлар эса йўлда юриб кетаётганларида ҳам мудраб боришарди. Ҳа, ишонинг. Йўл юриб туриб ухлашарди, улар. Мен бундай воқеани биринчи марта ўшанда кўргандим.

Ниҳоят, учинчи кун ярим кечада манзилга етиб бордик. Бу жой қор билан қопланган, ўнқир-чўнқир жарликлардан иборат эди. Бизга ҳандақ қазишга буйруқ бўлди. Дарҳол ишга киришдик.

Дўстлик оғир кунларда синовдан ўтади, дейишади. Ана шундай машаққатли пайтларда биз солдатлар бир-биримизнинг кўнглимизни кўтарар, суяр, бир-биримизга ёрдам беришга ҳаракат қилар эдик.

— Рустам, ҳо Рустам, — ширвилаб ёнимдаги ўртоғини чақирди Сафдиқ, кейин сўзида давом этди. Ернинг ости юмшоқ экан, кел иккаламизга берилган жойни биргаликда қазийлик. Ернинг ости қазилса, устки яхлаган қисмини туширib юбориш унча қийин бўлмайди.

Рустам исмига яраша барваста, қоматли йигит эди. Сафдиқнинг ҳам гавдаси мандан анча тик. Менинг жуссам ҳам, ёшим ҳам улардан кичик бўлгани учун биз дўст бўлганимиздан шод эдим.

Душман бизни пайқаган бўлса керак, тонг билан устимизга роса ўқ ёғдирди. Аввал немисларнинг оғир ва енгил замбараклари тоза «иш» кўрсатди. Кейин «миссершмитлар» тепамизда қора калхат каби айланиб, бизни аёвсиз ўққа тута бошлади. Чоштоҳга яқинлашгандагина, бир оз тинчлик бўлди. Ана шу жангда снаряд парчасидан Содиқнинг чап оёғи яраланди. Уни ҳамширалар санбатга олиб кетишди.

Ўша кунлари тун бошланиши билан ҳар икки томондан ҳам отишмалар авж олар, кейин бир оз тинар, тонгга яқин эса яна кучаярди. Уч кун деганда дам олишга буйруқ бўлди.

Қалин ўрмоннинг сийрак дарахтлар орасидаги яланглигида дам олиб котелокдаги шовлани баҳам кўрар эканмиз, Рустам гап бошлади:

— Уруш қурбонсиз бўлмайди. Келинг, бир-бирларимизнинг адресларимизни ёзиб олайлик. Бирон ёмон ҳодиса юз берса, албатта уйга хабар қилиш керак бўлади.

— «Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади», деди шунда унинг сўзини бўлиб Саид деган тожик йигит.

— Тўғрику-я, унинг сўзини тасдиқлади, Рустам, лекин кимлардир Ватанимиз бахтсаодати, озодлиги йўлида ҳалок бўлади, — деди-ю, ёнидан бир варақ қоғоз олиб тўрт қисмга бўлди, унинг бирига ўз адресини ёзиб менга берди. Кейин бизлар ҳам адресларимизни айрибошладик.

Бир хил ҳаёт кечирганимизданми, ёки уруш жонга тегиб кетганиданми, ҳаммамиз ҳам бўронни, ҳужумни сабрсизлик билан кутардик. Ниҳоят, шундай кун етиб келди.

Тонг билан бутун взводдаги, ротадаги, батальондаги, полкдаги, дивизиядаги барча қуроллар бир йўла ўт оча бошлади. Оғир ва енгил тўплар, ўқ ўтмас танклар, ҳаво лочинлари самолётлар ёрдамида ҳужумга ўтдик. Уч кун ичида душманни биринчи, иккинчи ва учинчи мудофаа линияларини яксон қилиб, қарийб 25 километр олга силжидик. Витебск шаҳри бўсағаларига яқинлашиб қолганда қисмимизга бир оз дам олиш учун буйруқ бўлди.

Фронт линиясидан анча орқада катта шийпон тагида тўрт ғилдиракли арава келтирилган шовлани полк ошпази солдатларга тақсим қилиб бераётган эди. Рустамни ана шу ерда ўз бўлимидаги бир неча жангчи билан овқат олаётганида учратдим. Овқатни кателокларимизга тўлдириб олиб, қисмимизга шошилдик. Шошилдигу, бироқ...

... Уч кундан сўнг санбатда ҳушимга келдим. Душман ҳужумга бир неча солдат ҳалок бўлганини, улар орасида Рустам ҳам борлигини кейинчалик менга сўзлаб беришди. Снаряд парчаси чап елкамни каттиқ яралаганлиги ва кўкрагимни ҳам сийпалаб ўтганлиги учун гимнастёркамдаги ҳужжатларим ёниб кетганди. Менга санбатда қайтадан Қизил Армия дафтарчаси тутишиб, уни тўлдиришди. Кейин даволаниш учун Рязань областидаги Клепики шаҳарчасининг ҳарбий госпиталига юборишди. Госпиталда даволаниб, ўзимга бир оз келгандан сўнг уйга шу қатори Рустамнинг уйига ҳам хат ёзмоқчи бўлдим. Лекин Рустамнинг адреси ҳам олдинги Қизил Армия дафтарчамда бўлгани учун ёниб кетганди. Шундай қилиб, ҳалок бўлган дўстимнинг илтимосини бажара олмадим.

... Урушга яроқсиз бўлганим учун уйга қайтарилдим. Уйга келганимнинг учинчи кунлари бўлса керак, дўстим Рустамнинг илтимосини бажариш учун Сўқоққа йўл олдим. Ҳақиқатан ҳам тоғлар бағрига, оромбахш масканга жойлашган Сўқоқ қишлоғи Рустам ҳикоя қилганидек, ажиб гўзал мафтункор экан. Одамлари ҳам дилкаш ширинсухан кишилар. Бировларнинг ҳожатини чиқариш уларнинг эзгу-орзулари.

Мен машинадан тушиб, биринчи рўпара бўлган ўрта ёшли кишидан Рустамнинг уйини сўрадим. Манзурасининг ўғлими, менга савол назари билан қараб қўйди нотаниш киши ва жавобимни ҳам кутмасдан юринг, улар мана бу томонда туришади, деб бошлаб кетди.

Рўстам ўзининг тўнғич фарзанд эканлиги, отасининг ҳам армияга кетганлиги, уйда Манзура исмли онаси ва саккиз ёшли укаси Орипларгина қолгани ҳақида сўзлаб берганди.

Шунинг учун мен:

— Худди ўша, Манзура опанинг ўғли деб жавоб бердим. Нотаниш киши билан уйга кирдик. Икки метргача ҳарсанг тошлардан, қолган қисми пахсадан тикланган иккита ёнмаён уй сой томонига қараб қурилганди. У ердан бутун қишлоқ яққол кўзга ташланиб турарди.

— Келинг, келинг, ўғлим, — Манзура опа мени самимий ниҳоятда очиқ чеҳра билан кутиб олди. Нотаниш киши фотиҳа ўқилган, руҳсат сўраб чиқиб кетди. Манзура опанинг барваста қомати, илиқ нигоҳи Рустамга жуда ўхшаб кетарди. Унинг умидли, қувноқ чеҳрасига боқар эканман, йўлда ўйлаган фикрларимдан бутунлай қайтдим, Бу забардаст аёлни ғам-ташвишлар билан ғарқ бўлишини истамадим.

Шу-шу Манзура опа билан она-боладек бўлиб кетдик. Ёзда оймларни ҳам Сўқоққа олиб бордим. Хуллас, биз бир оиланинг аъзоларидек, ҳаёт кечира бошладик. Манзура хола шаҳарга тушганда албатта бизникига кирар, тўй-маросимларда қатнашар, бизнинг оила аъзоларимиз ҳам аҳён-аҳёнда бўлса-да, Сўқоққа боришарди.

... Яқинда ҳунук хабар эшитдим. Манзура холани ўлим ўз чангалига олибди. Бу ноҳуш хабарни эшитдиму, қишлоққа йўл олдим. Қадрдон уйга кириб-чиққандан сўнг зиёрат қилгани қабристонга бордим. Сўқоқ сойининг ўнг қирғоғидаги баландликда жойлашган қабристон одатдагидек, сокин. Янгигина қазилган қабр тепасига келиб, қўйи нурида илиб турган тупроқни кафтларим орасига олиб, юзларимга суртар эканман, кўзларимдан ёш томди... Онажон, ўғлингизнинг ҳалок бўлганини, сиздан яшириб, дўстим Рустамнинг илтимосини бажармай тўғри иш қилдимми, ёки бу қилмишим учун мени кечирмайсизми, деган нидо қалбимдан отилиб чиқди.

Собит АБДУЛЛАЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, запасдаги офицер.

ҚАЛБ НИДОСИ

Спорт

ДАЪВОГАРЛАР БАҲСИ

Шахмат бўйича жаҳон чемпиони билан рўбарў келиш учун Женевада Б. Спасский билан Р. Портиш ўртасида ярим финал ўйини давом этмоқда. Совет гроссмейстери навбатдаги тўққизинчи учрашувда ғолиб келиб, ҳисобни тенглаштирди. Ҳозирча умумий ҳисоб 4,5:4,5 бўлиб турипти.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Москвада енгил атлетика бўйича мамлакат чемпионати давом этмоқда. 100 метрга аёллар ўртасида бўлган финал югуришда москвалик Л. Маслакова ғолиб келди. Финиш чизиғини иккинчи бўлиб республикамиз спорт мухлисларига яхши таниш бўлган чирчиқлик Людмила Сторожкова кесиб ўтди. Ҳозирда бу спортчи Москва шаҳар спорт шарафини ҳимоя қилаётган бўлса-да, мусобақа низомига кўра Ўзбекистон командаси жамғармасига ҳам 12 очко олиб берди. Эркакларнинг 100 метрга бўлган финал югуришида машҳур спортчи Валерий Борзов (10,41 секунд) биринчи ўринни эгаллади.

МУСОБАҚАДАН МУСОБАҚАГА

Халқаро классдаги спорт мастери Ольга Рогова (Руленко) камондан отиш бўйича ўтказилаётган Бутуниттифоқ мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Яқинда Кисловодскда «Меҳнат резервлари» жамияти шахсий чемпионатида спортчимиз М-2 машқида 2356 очко тўплаб, ғолиб келган эди.

Бугун эса Клайпеда шаҳрида мамлакатнинг энг кучли мерганлари мусобақасига старт берилади. Ана шу биринчиликда командамиз сафида Ольга Рогова, шунингдек халқаро спорт мастери Наташа Бутузова, спорт мастери Беба Чеку ва бошқа спортчилар иштирок этишади. Мусобақалар 2 августгача давом этади.

КУЧЛИЛАР САФИДА

Теннис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида касаба союз спортчиларининг шахсий биринчилиги Москвада ўтказилди. Республикамиз вакиллари ўртасида спартакчи Ирина Панова энг яхши натижага эришди. У якка мусобақалашишда тўртинчи ўринни олди. Л. Тихонова билан И. Сидоринлар жуфт бўлиб куч синашишда учинчи ўринни эгаллаб, бронза совриндори бўлдилар.



ЯНГИЙЎЛ шаҳри кун сайин ободонлашиб бормоқда, бу ерда янги замонавий бинолар тобора кўплаб қурилияпти. Суратда: шаҳарда қад кўтарган янги меҳмонхона биноси.

С. Безносов фотоси.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ»

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Гимнастика. 10.30 — «Жала» (бадиий фильм). 11.45 — Концерт. 12.10—Ҳужжатли фильм. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «Том Сойернинг саргузаштлари». 16.30 — Череповецк — 200 ёшда. 17.00 — Болалар учун қисқа метражли бадиий фильмлар. 18.00 — «Темир йўл транспорти-77». 18.30 — Горичилар қаердасиз! 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Қувноқ нотлар. 19.25 — «Жасорат». 20.00 — Санъат устасларининг концерти. 20.45 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21.00 —Визнинг биография — 1959 йил. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Футбол: ГДР—СССР (ўртоқлик учрашуви). 24.00 — Эстрада концерти. 00.50 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Мультфильм. 11.40 — Ижод саҳифалари. Ш. Гуломов. 12.30 — Улуғ Октябрининг 60 йиллигига. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — «Ёшлик». 19.15 —Халқ контроли экрани. 19.45 —Ахборот. 20.00 — «12-учрашув». Эстрада программаси. 21.00 — Ахборот. 21.20 — В. Шекспир. «Ричард-III» (диплом спектакли). 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Спектаклнинг давоми.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Она (катта ва кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Қўзиқоринхўр одам — «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Станкёр — «ЎЗБЕКИСТОН» (куфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Зангори осмон остида — «ДРУЖБА» (21.00).

Кўзғу — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Хлани — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Сўнган гулханлар тафти — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Қўзиқоринхўр одам — «ФЕСТИВАЛЬ» (21, 22.30).

Парм ибодатхонаси — «ҲИВА» (21.00).

ПРОГРАММА

19.05—Болалар учун фильм. 19.20 — Самарадаги ташвишли тунлар» (бадиий фильм, 3-серия). 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — «Шаҳзода ва Золушка» (фильм-балет). 21.15 — Тошкент ва тошкентликлар. 21.45 — Ҳужжатли фильм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.

Р. 14439. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1672.